



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ТАРКИБИДАГИ “ШОН-ШАРАФ” ДАВЛАТ МУЗЕЙИ


3- БОБ : ЎЗБЕКИСТОН ФРОНТНИНГ ИШОНЧЛИ ҚЎРГОНИ

**2- МАШғУЛОТ: УРУШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, ТАъЛИМ, МАДАНИЯТ,
АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МАТБУОТ**


Тошкент ш. 2021 й.

Фан ва таълим

- Иккинчи жаҳон уруши бошланган дастлабки кунларданоқ, маънавий ва маданий бой салоҳиятга эга Ўзбекистон халқлари инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлган фашизмни тезроқ тор мор қилиш ишига сафарбар қилинди.
- Фронт ортида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали урушнинг биринчи кунларидан бошлаб илмий-тадқиқот ишларини мудофаа соҳаси ва халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга йўналтириди.
- 1941-йилнинг ноябр ойида 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 та олий таълим муассасаси, 2 та кутубхона, 40 дан ортиқ шундай институтлар 1943-йилда Ўзбекистонга қўчириб келтирилиб жойлаштирилди.



- Ўзбекистонлик Т.Саримсоқов, В.Романовский, М.Камолов, Н.Назаров ва бошқа олимлар раҳбарлигига амалга оширилган тадқиқотлар ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, ватан авиасиясини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшди.



- Кўчиб келган йирик тарихчи, археолог, хукуқшунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлар ўзбекистонлик ҳамкаслари билан Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти ва адабиётининг муҳим масалаларини ишлаб чиқдилар. В.Струве, В.Шишкин, э.Бертелс, И.Додонов, В.Зоҳидов, Х.Иноятов, А.Якубовский, М.Массон, С.Толстов, Я.Ғуломов ва бошқалар Ўзбекистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи, моддий маданияти ва маънавияти, Ўрта Осиё халқларининг этногенези бўйича қатор асарлар тайёрладилар.




В. Струве



Я. Ғуломов




М. Массон




С. Толстов

1943-йилнинг 4-ноябрида Ўзбекистон ФА ташкил этилиб, унинг биринчи Президенти этиб таниқли олим Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий тайинланди.

1945-йилга келиб, Ўзбекистон ССР ФА йирик илмий марказга айланди. Унинг таркибига 23 та илмий муассаса, 20 та илмий-тадқиқот институти, 2 та лаборатория ҳамда тажриба стансияси кирди. Фанлар Академияси институтларида 3 нафар фахрий аъзо, 15 нафар ҳақиқий аъзо, 20 нафар мухбир аъзо, 1265 нафар илмий ходим, 54 та фан доктори ва 172 та фан номзоди фаннинг турли соҳаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар.



- Уруш даври қийинчиликлариға қарамай, Ўзбекистон ССР олий мактабларида таълим самарадорлиги ривожланиб борди. 1945-йил Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг сони урушдан олдинги даврга нисбатан 3 баробар ошди. Уруш даврида республика олий таълим муассасалари 11750 нафар, ўрта маҳсус ўқув юртлари эса 6673 нафар кадрларни тайёрлаб берди.
- Марказдан кўчириб келтирилган институтлар ҳисобига талabalар сони 19061 нафардан 21195 тагача етди.



URUSH YILLARIDA ADABIYOT.
LITERATURE DURING THE WAR YEARS.

Уруш йилларида адабиёт

- Ушбу машғулот уруш йилларида маданият ва санъатнинг тутган ўрни ҳақида зўз юритилади.
- Фашизмга қарши уруш йилларида кўплаб Ўзбекистонлик ёзувчи ва шоирлар бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан душманга қарши жангга отландилар. Улар орасида О.Шарофиддинов, М.Исмоилий, А.Рахмат, F.Фафуров, С.Жўра, И.Рахим, Н.Егамназаров, Шухрат, А.Хамдам, Н.Сафаров, З.Фатхуллин, М.Муҳамедов, М.Ҳаким, А.Удалов, В.Фофуров, С.Акбарий, З.Обидов, О.Ёқубов, И.Муслим ва бошқа кўплаб қалам соҳиблари бор эди.
- Рус, украин, белорус адаблари ижодий ҳамкорликда «Биз енгамиз!» алманаҳи, «Ўзбекистон шоирлари - фронтга» антологияси яратилди.
- Уруш даврида А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонлари, Бобурнинг лирик асарлари, Муқимий, Фурқат шеърлари, «Алпомиш», «Гўрўғли» эпослари рус тилига таржима қилинди. Ўз навбатида рус мумтоз ёзувчиларининг асарлари ўзбекчага таржима қилинди.



- Уруш йилларида самарали қалам тебратган адиблардан бири – бу таниқли ёзувчи ва шоир Г’афур Г’уломдир. Узбекистоннинг таниқли ёзувчиси Фофур Гуломнинг шеърияти ва насрида ўзбек халқи тарихи ўзининг бадиий тимсолини топган. Ёзувчининг ижоди ранг-баранг — шеърлар, қўшиқлар, достонлар, қасидалар, ҳикоялар, қиссалар. Фофур Гуломнинг урушдан кейинги даврдаги ижоди ўзбек адабиёти ривожида бекиёс ўрин тутган.
- Уруш йилларида Фофур Гулом “Сен етим эмассан”, “Сени кутяпман, ўғлим！”, “Вакт”, “Кузатиш”, “Аёл”, “Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак” каби ажойиб шеърлар яратган. “Сени кутяпман, ўғлим！” шеърида шоир фронт ортида ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари орқали душман устидан ғалабани яқинлаштирган оталарнинг сабри ва кучини мадҳ этади.





- Аслида қондош озарбайжон наслидан бўлиб, кейинчалик ўзбек халқининг чинакам севимли шоири, ёзувчиси, драматурги, забардаст олимни сифатида донг таратган. Шайхзода иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган “Жалолиддин Мангуберди” (1944) трагедиясида ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун мўғул истилочиларига қарши курашган сўнгги Хоразм шоҳининг жанговар жасоратини тарихан аниқ ва ҳаққоний тасвирилаган. Ушбу асар уруш фронтларида зҳанг қилинаётган ўзбек йигитларининг руҳиятини кўтаришда салмоқли ҳисса қўшган. "Муҳаммад тупчи" балладаси ...Ойбек билан Ғафур Ғулом ўша вактда асарга юқори баҳо беришиб: “Тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини” очиб берган, “Композитсияси пишиқ, драматик тўқнашувларга бой бир асар.

- Ойбек — Ойбек таҳаллуси остида ижод қилган шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1965), Ўзбекистон ССР ФА академиги (1943).
- Таниқли адиб Ойбек Иккинчи жаҳон урушининг кўпгина халқлар тақдиррида улкан рол ўйнашини сезиб, у ҳақда роман ёзиш иштиёқида бўлди. У шу мақсадда Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек қисмларга бериб, бўлажак қаҳрамонларининг ҳарбий ҳаётини яқиндан ўрганди, 1942 йил декабридан 1943 йил мартининг сўнгги кунларига қадар фронтда бўлди, ана шу сафар чоғида урушнинг аччиқ ҳақиқати билан тўйинган туркум шеърларини ёзди.
- Афсуски, ўша йилларда уруш ҳақидаги бор ҳақиқатни айтишнинг, ёзишнинг иложи йўқ эди. Шу боис Ойбек домла «Қуёш қораймас» романини тугатмай, Навоий романи устидаги ишини давом эттириди. Роман 1944 йили нашр этилди. Асар тез орада уруш даври ўзбек адабиётининг юксак намунаси сифатида эътироф этилди.





Евакуация қилинган ёзувчи ва шоирлар

- **Алексей Николаевич Толстой** – 1882 йилда Самара губерниясининг Николаевск қишлоғида таваллуд топган. 1941 йилнинг ноябр ойида Куйбишевдан Тошкенга эвакуатсия қилинади. Тошкентда Толстой Иван Грозний асарини яратади. Ёзувчи ўз қайдномаларида Тошкент ҳақида куйидагиларни хотирлайди: “Тошкент минглаб мискинлар, қочоқлар учун нажот масканига айланди”.



- **Анна Андреевна Ахматова** – 1889 йилда Одессада дунёга келган. 1941 йилнинг ноябр ойидан 1944 йилнинг май ойигача Тошкент шаҳрида яшади. “Уфқда Ой” деб номланган шеърий жамланмасида шоиранинг Тошкентда ёзган шеърлари ўрин олган. Шоиранинг “Қахрамонсиз поема” китоби ҳам уруш йиллари чоп этилди.



Кино санъати

- Кино санъати соҳасида М.Қаюмов, Э.Ҳамроев, А.Фролов, Я.Лейбов, Ш.Зоҳидов, О.Раҳимов каби кинооператорларимиз жангчиларимизнинг фашист босқинчилариға қарши қаҳрамонона курашлари ҳақида қисқа метражли хужжатли фильмлар туркумини – киноновеллалар, киноҳикоялар, очерклар, кичик сатирик сахналар кўринишларида тайёрлаб халққа инъом этдилар.



- Соҳа вакиллари томонидан тайёрланган “Биз енгамиз!” киноновелласи, “Фронтдаги дўстлар”, “Ватан совфаси”, “Фронтга концерт” каби мингдан ортиқ фильмлар жангчилар руҳиятини кўтаришга ва кучларига куч қўшишга хизмат килди.
- 1942-йилда суратга олинган “Нафрат ҳалқасида”, “Биз ғалаба қозонамиз” каби бир қатор композитсиялар ҳалқимизнинг фронтдаги юксак инсонпарварлиги ва ватанпарварлиги, унинг ғалабага астойдил ишончи ҳамда фашизмга нафрати ҳақида ҳикоя қиласи.



- Евакуатсия қилинган таниқли кинематографлар Я.Протазанов, Л.Луков, Е.Габрилович, М.Ромм, И.Хейфис, Н.Зархи ва бошқа бир ўзбек режиссорлари Н.Ғаниев, Й.Аъзамов, К.Ёрматов, С.Муҳамедов билан биргаликда “Унинг исми Сухе-Батор”, “Икки жангчи”, “Насриддин Бухорода”, “Тоҳир ва Зухра” каби 10 дан ортиқ бадиий фильмлар суратга олинди.



- Урушдан кейинги даврларда ҳам “Фарҳоднинг жасорати”, “41-йил олмалари”, “Собир Раҳимов”, “Ватан”, “Қўрғошин”, “Берлин-оққўрғон” каби кўплаб бадиий ва хужжатли фильмлар суратга олиниб, бу жараён ҳануз давом эттирилмоқда.



Матбуот


- Матбуот Иккинчи Жаҳон уруши йилларида халқ ва армияни курашга сафарбар этишда, жанг майдонларида жон бериб, жон олаётган жангчиларнинг жанговар руҳини кўтаришда қудратли қурол бўлиб хизмат қилган. Ўрта Осиёдан урушга сафарбар қилинган йигитларнинг аксар қисми Ғарбий фронтга юборилгани учун шу фронт қошида ўзбек, қозок, тожик ва туркман тилларида газеталар нашр этила бошланган.



- Уруш йилларида ўзбек тилида 13 та фронт ҳамда 3 та дивизия газеталари, жумладан, Биринчи Болтиқ бўйи фронтида «Душманга қарши олға!», иккинчида «Суворовчи», учинчисида «Ватан учун», Биринчи Белоруссия фронтида «Қизил Армия», иккинчисида «Фронт ҳақиқати», учинчисида «Қизил аскарлар ҳақиқати», Биринчи Украина фронтидаги «Ватан шарафи учун», иккинчисидаги «Суворов натиски», учинчисида «Совет жангчиси», Узоқ Шарқ фронтида эса «Бонг» газеталари мавжуд эди. Бундан ташқари дивизия ва корпусларда ҳам ўзбек тилида газеталар нашр этилган.



- Фронт газеталарида фаолият юритган ёзувчиларимиз Мирзакалон Исмоилий, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Иброҳим Раҳим, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Раҳмат, Адҳам Ҳамдам ўзбек жангчи баҳодирларининг кундалик мардликларини ёритишда ёш қалам соҳибларига намуна бўлганлар. Улар шиддатли жанглар бораётган жойларда, қорли окопларда, қалин ўрмонларда, ботқоқликларда, разведка сўқмоқларида, отишмалар авжга кирган вайронга шаҳар ва қишлоқларда, жанг тақдири ҳал болаётган майдонларда жангчиларимиз билан бирга бўлганлар, уларнинг жасоратлари, фидойиликлари ҳақида ёзганлар. Баъзи вақтларда эса фақат қалам билангини эмас, балки қўлга қурол олиб ҳам жангга кирганлар.



- Назир Сафаровнинг «Ўзбек фарзандлари», «Сўнгги нафасгача», «Жангчи қизлар» ва бошқа очерклари жанг майдонларида ёзилган. Зиннат Фатхуллин очерк ёзиш учун алоқа баталонига боради. Баталон командири капитан Аҳмад Бобожон билан учрашган вақтда фашистлар уларга қарши ҳамлага ўтишади. Фатхуллин Аҳмад Бобожон жангчилари билан бир қаторда ёв ҳужумини қайтаради. Мирзакалон Исмоилий наманганлик мотоўқчи рота командири Мамасоли Жабборов Орёл ва Полша ерларида олиб борган жанглари вақтида у билан учрашиб, қаҳрамон ҳақида очерклар ёзган. Бошқа журналистлар ҳам бу кўпни кўрган устоз ёзувчилардай жанглардаги марди майдонларимиз билан бирга бўлиб, жанговар воқеалар тўғрисида муҳим лавҳалар, очерклар ёзганлар. Уларнинг фронт очерклари, шеърлари урушдан кейин Тошкентда нашр этилган «Мардлик қиссалари», «Жанговар саҳифалар» ва бошқа тў



ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЬАТ

- Уруш даврида халқимизнинг фронт ва фронт ортидаги жасорати, матонати, аёлларнинг садоқати ва фидойилиги, Ўзбекистон аҳлиниң болажонлиги, бағрикенглиги, шунингдек, жангчиларимизнинг жангоҳлардаги жасорати ва шижаоти рассом ва ҳайкалтарошларнинг ҳайкалтарошлиқ ва қаламтасвир, рангтасвир асарларида, полотноларда, душманни фош қилувчи карикатура, жанговар, даъваткор плакатларида ўз аксини топди





• А.М. Нюренберг (1887-1979). Эвакуатсия.
Поездни кутиш. 1941 й.

Тақдир тақозоси билан 1941 - 1943 йилларда Ўзбекистон рассомлар уюшмасида фаолият юритган истеъоддли рассом Амшей Нюренбергнинг мемуарларида эвакуатсия жараёни, Тошкентга кириб келиш ва бу ердаги вазият, шарқ одамлари ва уларнинг яшаш тарзи то’г’рисида қимматли хотиралари кундалик ва картиналар ко’ринишида сақланиб қолган. Қайдномада келтирилишича: “Учта кўргазма учун қоралама ёзаяпман. Мавзулар жуда кўп, улар мени ютиб юбораётгандек. Онанинг партизанлик ҳаракатларига қо’шилиши, партизанларнинг отилиши, эвакуатсия қилинганлар. Партизанлар ва эвакуатсия қилинганлар билан икки ойлик саёҳат ва Тошкентда ўтказган 5 ойлик ҳаётим менга кўп нарсаларни ўргатди”. Ижодкор ўз қарашларидан келиб чиқиб: “Рассомлар ҳам жангдаги снайперлар кабидир. Факат, фронтга, партия ва халқга яқин бо’лиш керак” деб ёzáди



Ўзбекистонга эвакуатсия қилинган рассомлар ижодидан намуна.

ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ ҮРГАН!

УЗТАГ ойнаси.

А. Александров. В. Волчек.

- Ўзбекистонлик С.Абдуллаев, В.Тимуров, Н.Герасимов, И.Ужинский А.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, Ў.Тансиқбоев, М.Набиев, О.Татевосян, В.Уфимсев каби рассомлар ўз ватанларини бир қўлида мўйқалам, бир қўлида қурол билан мардонавор химоя қилдилар.



Ч.Аҳмаров



Ў. Тансиқбоев



С. Абдуллаев



М. Набиев

О'збекистонда хизмат ко'рсатган сан'ат
арбоби, Совет иттифоқи қаҳрамони
Самиф Абдуллаев



- Bu davrda yaratilgan rassom O'rol Tansiqboyevning “Бу даврда яратилган рассом Ўрол Тансиқбоевнинг “Уруш йўлларида” номли асарлар туркуми, “Отликлар хужуми” ва “Партизанлар” каби асарлари, В.Кайдаловнинг “Биз ғалаба қозонамиз” ва “Душманга қақшатгич зарба”, М.Ариниканинг “Фашист штабига партизанларнинг босқини” ва “Госпиталда шефлар”, Л.Абдуллаевнинг “Мукофот билан табрик” ва “Қизил Армия томон йўл” каби асарлари, шунингдек, хайкалтарошлар Ф.Гришченко, Д.Рябичев, М.Мусабоев, Д.Рўзибоев, А.Тоиров, Х.Хусанходжаев, А.Ахмедов, Й.Шапиро, А.Бойматов ва Ж.Куттимуродловлар томонидан яратилган асарлар урушнинг бадиий йилномасига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Urush yo'llarida nomli asarlar turkumi, "Otliqlar hujumi" va "Partizanlar" kabi asarlari, V.Kaydalovning, "Biz g'alaba qozonamiz" va "Dushmanga qaqshatgich zarba", M.Arnikaning "Fashist shtabiga partizanlarning bosqini", va "Gospitalda sheflar", L.Abdullayevning "Mukofot bilan tabrik" va "Qizil Armiya tomon yo'l" kabi asarlari, shuningdek, haykaltaroshlar F.Grishchenko, D.Ryabichev, M.Musaboyev, D.Ro'ziboyev, A.Toirov, X.Xusanxodjayev, A.Axmedov, Y.Shapiro, A.Boymatov va J.Kuttimuradovlar tomonidan yaratilgan asarlar urushning badiiy yilnomasiga qo'shilgan muhim hissa bo'ldi.



УзТАГ рассоми Н. Кашина ижодига мансуб тарғибот-ташвиқот плакати



ТЕАТР ВА МУСИҚА САНЪАТИ

- Уруш йилларида Ўзбекистонда 35 та маҳаллий ва 16 та кўчириб келтирилган театр жамоаси фаолият кўрсатиб, бутун уруш давомида 203 та янги саҳна кўринишлари тайёрладилар ва 6 667 303 томошабинга 13 568 та спектакл ва концертларни фронтнинг олдинги чизигида жанг қилаётган ҳаракатдаги армия жангчиларига кўрсатдилар.



- Т.Жалилов, Т.Содиков, Д.Зокиров, Н.Ҳасанов, М.Бурхонов, Ю.Ражабий, М.Ашрафий, С.Юдаков сингари машҳур композиторлар томонидан “Қизил Армия марши” сингари ҳарбий мавзуда қатор қўшиқлар яратилди. М.Ашрафийнинг “Қаҳрамонлик симфонияси” 1943-йили Давлат мукофотига муносиб топилди. Мазкур Симфония 1945-йилнинг сентябринда АҚШда ижро этилди.



М. Ашрафий



Т. Жалилов



Д. Зокиров



М. Бурхонов

- Уруш йилларида 30 дан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилди. Улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Ўрта Осиё ҳарбий округи қисмлари ва госпиталларда 26 мингта концерт дастурлари намойиш этиб, жангчиларни руҳлантириб фашизм устидан қозониладиган ғалаба томон ундалилар.



Халима Носирова



- Айниңса, Тамарахоним, Ҳ.Носирова, М.Турғунбоева, Г.Раҳимова, Г.Измайлова, С.Ешонтўраева, М.Қори-Ёқубов, А.Хидоятов, Ш.Бурҳонов, М.Мұхамедов, Я.Абдуллаева каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангч-томушабинлар қалбига құттарынкилік бахшида этган.



Галия Измайлова



Сора эшонтўраева



Халима Носирова



Тамарахоним Петросян

- 1942-йил тарқоқ ва якка ҳолда ишлайдиган миллий сирк ижодкорлари бир жамоага бирлаштирилиб, Ўзбек кўчма сирк колективи ташкил этилди. Бунга қадар, 1941-йил 10-октабрдан 1942-йил 3-маргача сирк ижодкорлари 130 минг томошабинга 171 та концерт дастурлари намойиш этган эдилар. Бундан ташқари, 28 минг Қизил Армия жангчилари учун 71 маротаба сирк томошалари намойиш этилган.

